

**ҲАРБИЙ ТИББИЙ ХИЗМАТ КЎРСАТИШ СОҲАСИДА ҚОНУНЛАР
ИЖРОСИ УСТИДАН НАЗОРАТНИНГ ҲУҚУҚИЙ АСОСЛАРИ**

Исроилов Қахрамон Анварович

*Ўзбекистон Республикаси Ҳуқуқни муҳофаза қилиш
академияси магистранти*

E-mail: Isroilov2025@gmail.com

MAQOLA MALUMOTI

MAQOLA TARIXI:

Received: 21.12.2025

Revised: 22.12.2025

Accepted: 23.12.2025

KALIT SO'ZLAR:

*ҳарбий тиббий хизмат,
прокурор назорати, қонунлар
ижроси, ҳарбий
прокуратура, тиббий
экспертиза, санитария-
эпидемиологик хавфсизлик,
ҳарбий хизматчилар
ҳуқуқлари, техник-ҳуқуқий
стандартлар*

ANNOTATSIYA:

*Ушбу мақолада ҳарбий тиббий хизмат
кўрсатиш соҳасида қонунлар ижроси
устидан прокурор назоратининг ҳуқуқий
асослари комплекс таҳлил қилинган.
Тадқиқотда прокурор назоратининг
конституциявий мақоми, “Прокуратура
тўғрисида”ги Қонун, соҳавий қонун
ҳужжатлари, халқаро гуманитар ҳуқуқ
нормалари ҳамда прокуратура
органларининг идоравий ҳужжатларининг
ўзаро боғлиқлиги очиб берилган. Мудофаа
вазирлиги тизимидаги ҳарбий-тиббий
муассасалар фаолиятида қонунийликни
таъминлаш, ҳарбий хизматчилар ва
уларнинг оила аъзоларининг соғлиқни
сақлашга бўлган ҳуқуқларини ҳимоя
қилишда прокурор назоратининг ўрни
асослаб берилган. Мақолада ҳарбий
госпиталлар, санитария-эпидемиологик
объектлар, тиббий таъминот омборлари
ва ҳарбий-тиббий экспертиза фаолияти
устидан назорат ўтказишнинг махсус
техник-ҳуқуқий механизмлари таҳлил
қилинган. Тадқиқот натижалари ҳарбий
тиббий хизмат соҳасида прокурор
назоратини такомиллаштиришга
қаратилган илмий хулоса ва амалий
таклифлар ишлаб чиқишга хизмат қилади.*

Мудофаа вазирлиги тизимида ҳарбий хизматчилар ва уларнинг оила аъзоларига тиббий хизмат кўрсатиш соҳасида қонунийликни таъминлаш – Ўзбекистон Республикаси прокуратура органларининг стратегик аҳамиятга эга вазифаларидан биридир. Ушбу фаолиятнинг ҳуқуқий асослари мураккаб иерархик тузилишга эга бўлиб, улар нафақат назорат предмети, балки прокурорнинг ваколатлари, таъсир чоралари ва текшириш методикасини ҳам қамраб олади.

Бу масалада А.Комиловнинг фикрича, бугунги кунда прокуратура органлари томонидан қонунлар ижроси устидан назоратига доир у ёки бу масалалар: 1) Ўзбекистон Республикасининг қонун ҳужжатлари; 2) Ўзбекистон Республикасининг қонуности ҳужжатлари; 3) Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратурасида хизматда фойдаланиладиган ҳужжатлар; 4) Ўзбекистон Республикаси прокуратура органлари ҳайъатларининг қарорларида ёритилган³⁴.

Ёки, А.Ю.Усовга кўра, прокурор назоратининг норматив-ҳуқуқий (ҳуқуқий) асослари — мазкур назоратни тартибга солувчи турли юридик кучга эга норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар тизими ҳисобланади³⁵. Бошқа адабиётларда прокурор назорати фақат қонунда белгиланган ваколатлар доирасида амалга оширилиб, назорат объектлари томонидан Конституция, қонунлар ҳамда қонун ости ҳужжатлари талабларига риоя этилишини таъминлашга қаратилгани таъкидланади³⁶.

Шу нуқтаи назардан, назаримизда, тадқиқ этилаётган соҳадаги ҳуқуқий асосларни мантикий кетма-кетликда уч гуруҳга ажратиб таҳлил қилиш мақсадга мувофиқ бўлади:

1) прокурор назоратининг конституциявий мақоми ва умумий қонунчилик асослари;

2) прокурор назоратининг тактикаси ва методикасини белгиловчи идоравий-ҳуқуқий асослар ((ташкилий-бошқарув йўналишидаги ҳужжатлар, ижроси барча прокуратура органлари учун умуммажбурий бўлган ҳужжатлар, ахборот-услубий ва таҳлилий хусусиятидаги ҳужжатлар);

3) назорат объектлари фаолиятини тартибга солувчи махсус техник-ҳуқуқий механизмлар (стандартлар ва тавсиялар).

Ҳарбий тиббий хизмат соҳасидаги прокурор назоратининг ҳуқуқий пойдевори бевосита мамлакатнинг олий юридик кучга эга ҳужжатларига таянади.

1. Ўзбекистон Республикаси Конституцияси. Янги таҳрирдаги Конституция нафақат фуқароларнинг ҳуқуқларини, балки давлат ҳокимияти органлари тизимида

³⁴ Комилов А.Б. Прокуратура органларининг қонунлар ижроси устидан назорат фаолиятида ҳуқуқий воситаларни қўллашдаги муаммолар ва такомиллаштириш масалалари: юридик фанлари бўйича фан доктори (Doctor of Science) илмий даражасини олиш учун тайёрланган диссертация. – Т.: Ўзбекистон Республикаси Ҳуқуқни муҳофаза қилиш академияси, 2025. – Б. 29-30.

³⁵ Усов А.Ю. Прокурорский надзор за соблюдением трудовых прав граждан: учебное пособие. – Иркутск, 2022.

³⁶ Мадалиев О.М. Прокурор назорати. Дарслик. Умумий қисм. — Т.: ТДЮИ нашриёти, 2009.

прокуратуранинг ўрнини қатъий белгилаб берган. Конституциянинг 143-моддасига кўра, “Ўзбекистон Республикаси ҳудудида қонунларнинг аниқ ва бир хилда ижро этилиши устидан назоратни Ўзбекистон Республикасининг Бош прокурори ва унга бўйсунувчи прокурорлар амалга оширади”³⁷.

Ушбу конституциявий норманинг Мудофаа вазирлиги тизимидаги тиббий хизмати назорати учун аҳамияти қуйидагиларда намоён бўлади:

Универсаллик: ҳеч бир вазирлик, жумладан Мудофаа вазирлиги ҳам, унинг қанчалик ёпиқ ёки махфий режимда ишлашидан қатъий назар, прокурор назоратидан четда қолмайди.

Инсон ҳуқуқлари устуворлиги: Конституциянинг 48-моддаси (“Ҳар ким соғлиғини сақлаш ва малакали тиббий хизматдан фойдаланиш ҳуқуқига эга”) ҳарбий хизматчилар учун ҳам императив норма ҳисобланади. Прокурор назорати айнан шу ҳуқуқнинг ҳарбий интизом ёки буйруқлар асосида бузилмаслигини кафолатлайди.

2. “Прокуратура тўғрисида”ги Қонун. Конституциявий нормаларнинг ижро механизми Ўзбекистон Республикасининг “Прокуратура тўғрисида”ги Қонунида ўз аксини топган. Ушбу Қонун прокурорга Мудофаа вазирлиги тизимида кириш ва у ерда “хўжайин” сифатида эмас, балки “қонун ҳимоячиси” сифатида ҳаракат қилиш ваколатини беради. Хусусан, Қонуннинг 4, 20, 21 ва 22-моддалари ҳарбий-тиббий соҳадаги назорат учун прокурорга қуйидаги ваколатларни тақдим этади:

Тўсиқсиз кириш ҳуқуқи - прокурор хизмат гувоҳномасини кўрсатган ҳолда вазирликнинг исталган тиббий муассасасига (госпиталлар, лазаретлар, тиббий омборлар, ҳатто карантин зоналарига тегишли ҳимоя воситаларида) кириш ҳуқуқига эга.

Хужжатларни тафтиш қилиш - прокурор нафақат буйруқларни, балки тиббий хужжатларни (касаллик тарихи, амбулатор карта, тиббий хулосалар, дори воситаларининг қирим-чиқим дафтарларини) талаб қилиб олиш ва ўрганишга ҳақли.

Мутахассис жалб қилиш ҳуқуқи - тиббиёт махсус билим талаб қиладиган соҳа бўлганлиги сабабли, қонун прокурорга текшириш жараёнида Соғлиқни сақлаш вазирлиги ёки Санитария-эпидемиологик осойишталик ва жамоат саломатлиги хизмати мутахассисларини жалб қилиш ваколатини беради.

3. Халқаро ҳуқуқ нормалари. Ҳарбий тиббиёт соҳаси, бошқа давлат хизматларидан фарқли ўлароқ, халқаро гуманитар ҳуқуқ нормалари билан ҳам чамбарчас боғлиқ. Ўзбекистон қўшилган 1949 йилги Женева конвенциялари (айниқса, I Конвенция) ярадор ва бемор ҳарбийларга тиббий ёрдам кўрсатишнинг халқаро стандартларини белгилайди. А.В.Найданинг қайд этишича, прокурор назорати

³⁷ Қонунчилик маълумотлари миллий базаси, 01.05.2023 й., 03/23/837/0241-сон.

миллий қонунчилик ва халқаро мажбуриятлар ўртасидаги мувофиқликни таъминловчи фильтр вазифасини бажариши лозим³⁸.

4. Соҳада доир бошқа қонун ҳужжатлари базаси. Прокурор назорати предметини шакллантирувчи асосий қонунлар сирасига қуйидагилар киради:

“Фуқаролар соғлиғини сақлаш тўғрисида”ги Қонун – тиббий фаолиятнинг умумий қоидаларини тартибга солади³⁹;

“Умумий ҳарбий мажбурият ва ҳарбий хизмат тўғрисида”ги Қонун – тиббий кўриқдан ўтиш мажбурияти ва тартибини белгилаб беради⁴⁰;

“Дори воситалари ва фармацевтика фаолияти тўғрисида”ги Қонун – дори воситалари айланмасини тартибга солади⁴¹;

“Аҳолининг санитария-эпидемиологик осойишталиги тўғрисида”ги Қонун – ҳарбий қисмлардаги гигиеник талабларни белгилаб беради⁴².

5. Прокуратура органларининг идоравий ҳужжатлари. Мудофаа вазирлиги тизимида соғлиқни сақлашга оид қонунлар ижроси устидан назоратнинг самарадорлиги, кўп жиҳатдан, назорат тактикаси ва методикасини белгилаб берувчи идоравий норматив ҳужжатларнинг мукамаллигига боғлиқдир. Бизнингча, Ўзбекистон Республикаси Бош прокурорининг буйруқ, кўрсатма ва топшириқлари прокурорлар учун кундалик иш куроли ва аниқ ҳаракатлар дастури вазифасини ўтайди.

Ушбу ҳужжатларни қуйидаги икки йўналишда таҳлил қилиш мақсадга мувофиқ бўлади:

а) назорат фаолиятининг ташкилий-ҳуқуқий асослари (Субъект ваколатлари). Ҳарбий прокуратура органларининг соҳадаги ваколатлари доираси Ўзбекистон Республикаси Бош прокурорининг 2021 йил 7 июндаги 241-сонли буйруғи билан тасдиқланган “Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратурасининг Қуролли Кучлар, Давлат хавфсизлиги хизмати ва божхона органларида қонунчилик ижроси устидан назорат бошқармаси тўғрисида”ги низомда мустаҳкамланган⁴³. Мазкур Низом назорат субъекти (Ҳарбий прокуратура)нинг Мудофаа вазирлиги тизимидаги объектларда, хусусан, ҳарбий-тиббий муассасаларда текшириш ўтказиш ҳуқуқини қонунийлаштиради ва назорат предметини аниқлаштиради.

Шу билан бирга, тиббий хизмат кўрсатиш ижтимоий муносабатлар объекти эканлигини инобатга олган ҳолда, назоратни ташкил этиш масалалари Ўзбекистон Республикаси Бош прокурорининг 2017 йил 24 ноябрдаги “Ижтимоий ва иқтисодий

³⁸ Найда А.В. Прокурорский надзор за исполнением законов об охране здоровья военнослужащих // Вестник КРАУНЦ. Гуманитарные науки. 2006. – С. 55–63.

³⁹ Қонунчилик маълумотлари миллий базаси, 07.02.2025 й., 03/25/1025/0116-сон.

⁴⁰ Қонунчилик маълумотлари миллий базаси, 02.12.2024 й., 03/24/1008/0988-сон.

⁴¹ Қонунчилик маълумотлари миллий базаси, 31.05.2024 й., 03/24/928/0384-сон.

⁴² Қонунчилик маълумотлари миллий базаси, 29.11.2023 й., 03/23/880/0905-сон

⁴³ Электрон манба: <https://buyruq.prokuratura.uz/regulations/doc/3670>.

қонунчилик ижроси устидан прокурор назоратини янада такомиллаштириш тўғрисида”ги 166-сонли соҳавий буйруғига таянади⁴⁴. Ушбу икки ҳужжатнинг ўзаро боғлиқлиги шундаки, ҳарбий прокурор назоратни амалга оширишда ҳарбий интизом талаблари билан бирга, фуқароларнинг ижтимоий ҳуқуқларини ҳимоя қилиш стандартларига ҳам риоя этиши шарт.

б) прокурор назоратининг устувор йўналишларини белгиловчи махсус ҳуқуқий асослар (топшириқлар ва ҳ.к.). ҳарбий тиббий хизмат кўрсатиш соҳасида қонунийлик ҳолатини яхшилаш ва тизимли муаммоларни бартараф этиш мақсадида қабул қилинган Ўзбекистон Республикаси Бош прокурорининг 2023 йил 23 мартдаги 10.1/15-23-07/24-сонли топшириғи прокурор назоратининг долзарб йўналишларини белгиловчи муҳим ҳужжатлардан бири ҳисобланади. Мазкур топшириққа асосан, Мудофаа вазирлиги тизимидаги тиббий муассасаларда ўтказиладиган прокурор текширувлари қуйидаги саккизта устувор йўналишни қамраб олиши императив тарзда белгиланган:

биринчидан, тиббий хизмат сифати ва стандартлари назорати. Топшириқда “даволаш-профилактика муассасаларида тиббий ёрдам кўрсатишнинг барча босқичларида ташхис қўйиш ва даволаш стандартларига риоя этилганлиги”ни ўрганиш вазифаси қўйилган. Бу норма ҳарбий госпиталларда эскирган ёки тасдиқланмаган даволаш усулларида фойдаланиш ҳолатларига ҳуқуқий баҳо бериш учун асос бўлади.

иккинчидан, ихтисослаштирилган ёрдам ва мақсадли кўриклар. “Ижтимоий аҳамиятли касалликларга (оқ қон, сил, хавфли ўсмалар) қарши кураш” ва мақсадли тиббий кўрикларни ташкил этиш масаласи ҳарбий жамоалар учун стратегик аҳамиятга эга. Прокурор назорати ҳарбий қисмларда бундай кўрикларнинг қоғозда эмас, амалда ўтказилишини таъминлашга қаратилади.

учинчидан, тиббий экспертиза фаолияти қонунийлиги. Топшириқда “тиббий кўрик комиссиялари ташкил этилганлиги, таркиби малакали шифокорлар билан шаклланганлиги” масаласи алоҳида кўрсатилган. Бу талаб Ҳарбий-тиббий комиссиялар (ХТК) фаолиятидаги коррупциявий ҳолатларни (соғлом йигитларни “яроқсиз” деб топиш ёки аксинча) аниқлашнинг ҳуқуқий калитидир.

тўртинчидан, кадрлар салоҳияти ва малакаси. Тиббиёт ходимларининг малакаси мунтазам ошириб борилганлиги, айниқса лаборант, ЭКГ ва физиотерапия хоналарида ишловчи ходимларнинг тегишли мутахассисликка эгалигини текшириш – ҳарбий тиббиётда непрофессионализмнинг олдини олишга хизмат қилади.

бешинчидан, моддий-техник таъминот ва дори воситалари. “Лаборатория-ташхис ускуналари, дори-дармон препаратлари ва бошқа тиббий воситалар билан

⁴⁴ Электрон манба: <https://buyruq.prokuratura.uz/regulations/doc/1255>.

таъминланганлик” даражасини ўрганиш орқали прокурор давлат томонидан ажратилган ресурсларнинг етиб боришини назорат қилади.

олтинчидан, молиявий интизом ва бюджет назорати. Топшириқнинг энг муҳим бандларидан бири – бюджет маблағларининг сарфланиши аҳволи ҳамда давлат мулки, ер майдонлари, фойдаланилмасдан бўш турган бинолардан самарали фойдаланилганлигини ўрганишдир. Бу ҳарбий тиббиётдаги иқтисодий жиноятларни фош этишнинг асоси саналади.

еттинчидан, ходимларни ижтимоий ҳимоя қилиш. Ўз фаолиятида ижобий натижаларга эришган ҳамшираларга моддий рағбатлантириш чоралари кўриб келинаётганлигини ўрганиш прокурор назоратининг инсонпарварлик тамойилини акс эттиради.

саккизинчидан, ижро интизоми. Ўзбекистон Республикаси Президенти ва Ҳукуматининг қарорлари ижросининг сифати ва тўлиқлигини таъминлаш.

Юқоридаги топшириқнинг якуний қисмида белгиланган хизмат вазифаларига масъулиятсизлик билан қараган шахсларнинг жавобгарлик масаласи қатъий ҳал этилсин деган талаб прокурор назорати ҳужжатларининг қўлланилиши учун тўғридан-тўғри ҳуқуқий асос вазифасини ўтайди.

6. Турли тоифадаги ҳарбий-тиббий объектларда назорат ўтказишнинг махсус техник-ҳуқуқий механизмлари. Прокурор назоратининг ҳуқуқий асослари фақат умумий қонунлар билан чекланмайди. Ҳар бир тиббий объект (госпиталь, поликлиника, омбор) фаолияти махсус техник-ҳуқуқий нормалар (стандартлар, СанПиНлар, тавсиялар) билан тартибга солинади. Прокурор текширувлари давомида прокурор “Соғлиқни сақлаш тўғрисидаги қонунчилик ҳужжатлари ижроси юзасидан текширув ўтказиш бўйича” Тавсияларга асосланиб, қуйидаги объектлар кесимида қонунийликни ўрганади:

1. Ҳарбий госпиталлар ва поликлиникаларда назорат асослари. Ушбу объектларда назоратнинг асосий эътибори тиббий хизмат сифати ва қонунийлигига қаратилади. Даволаш жараёни: СанПиН 0342-17 (“Шифохона ичи инфекциялари профилактикаси”) ва СанПиН 0292-11 (“Даволаш-профилактика муассасаларини лойиҳалаштириш...”) нормалари прокурор учун асосий мезон ҳисобланади. Масалан, реанимация бўлимида бир маротабалик тиббий асбоб-анжомлардан (катетер, зонд) қайта фойдаланиш ёки операция блокида стерилизация қоидаларини бузиш ҳолатлари айнан ушбу норматив ҳужжатлар асосида қонун бузилиши деб малакаланади. Шифохона дорихонасида наркотик ва психотроп моддаларнинг сақланиши, “Дори воситалари ва фармацевтика фаолияти тўғрисида”ги Қонун ва МВнинг махсус йўриқномалари асосида қатъий назорат қилинади.

2. Санитария-эпидемиологик назорат марказлари ва ҳарбий қисмлар санитария ҳолати. Бу йўналишда прокурор назоратининг ҳуқуқий асоси санитария қоидалари ва

нормалари (СанПиН) ҳамда “Аҳолининг санитария-эпидемиологик осойишталиги тўғрисида”ги Қонун ҳисобланади. Озиқ-овқат хавфсизлиги - ҳарбий ошхоналардаги санитария ҳолати, озиқ-овқат маҳсулотларини сақлаш (музлатгич ҳарорати, хом ва пишган маҳсулотларнинг ёнма-ёнлиги) техник регламентлар асосида текширилади. Инфратузилма, жумладан, ҳаммом ва кирхоналардаги шароит, сув таъминоти, канализация тизимларининг ҳолати ҳамда чиқиндиларни утилизация қилиш СанПиН 0317-15 нормаларига мувофиқлиги ўрганилади.

3. Марказий тиббий база ва таъминот омборлари. Мазкур объектларда прокурор назоратининг ҳуқуқий асоси – давлат мулкани сақлаш ва бюджет интизомига оид қонунчиликдир. Моддий жавобгарлик - тиббий техника ва дори воситаларини сақлаш, яроқлилик муддати ўтган дориларни ўз вақтида ҳисобдан чиқариш тартиби Молия вазирлиги ва Мудофаа вазирлигининг йўриқномалари билан тартибга солинади. Прокурор ушбу йўриқномаларга амал қилмасликни бюджет интизомини бузиш ёки мансаб совуққонлиги деб баҳолайди.

4. Ҳарбий-тиббий экспертиза (ХТЭ) фаолияти. Назоратнинг энг муҳим ва коррупциоген хавфи юқори бўлган йўналиши саналади. Бунда ҳуқуқий асос бўлиб, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 25 декабрдаги ПҚ-4076-сонли Қарори билан тасдиқланган “Тинчлик ва уруш даврида тиббий кўриқдан ўтказиш тўғрисида”ги низом ҳамда Мудофаа ва Соғлиқни сақлаш вазирликларининг 2019 йилдаги қўшма қарори (рўйхат рақами - 3147). Назорат механизми: Прокурор ХТЭ хулосаларини текширишда ҳарбий хизматчига қўйилган ташхиснинг ушбу Низом ва “касалликлар жадвали”га қанчалик мос келишини ўрганади. Соғлом аскарни “яроқсиз” деб топиш ёки касал аскарни “соғлом” деб хизматга юбориш ҳолатлари айнан ушбу ҳуқуқий ҳужжатлар талабларини қўпол равишда бузиш ҳисобланади.

Фойдаланилган адабиётлар

1. Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси // Қонунчилик маълумотлари миллий базаси, 01.05.2023 й., 03/23/837/0241-сон.
2. Ўзбекистон Республикасининг “Прокуратура тўғрисида”ги Қонуни // Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси, 23.01.2020 й., 03/20/603/0071-сон.
3. Ўзбекистон Республикаси “Норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар тўғрисида”ги Қонуни // Қонунчилик маълумотлари миллий базаси, 19.02.2024 й., 03/24/909/0133.
4. Ўзбекистон Республикасининг “Фуқаролар соғлиғини сақлаш тўғрисида”ги Қонуни // Қонунчилик маълумотлари миллий базаси, 07.02.2025 й., 03/25/1025/0116-сон;

=====

5. Ўзбекистон Республикасининг “Аҳолининг санитария-эпидемиологик осойишталиги тўғрисида”ги Қонуни // Қонунчилик маълумотлари миллий базаси, 29.11.2023 й., 03/23/880/0905-сон;

6. Ўзбекистон Республикасининг “Дори воситалари ва фармацевтика фаолияти тўғрисида”ги Қонуни // Қонунчилик маълумотлари миллий базаси, 31.05.2024 й., 03/24/928/0384-сон;

7. Ўзбекистон Республикасининг “Психиатрия ёрдами тўғрисида”ги Қонуни // Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси, 28.02.2024 й., 03/24/915/0160-сон;

8. Ўзбекистон Республикасининг “Қон ва унинг таркибий қисмлари донорлиги тўғрисида”ги Қонуни // Қонунчилик маълумотлари миллий базаси, 03.03.2025 й., 03/25/1041/0209-сон;

9. Ўзбекистон Республикасининг “Одамнинг иммунитет танқислиги вируси келтириб чиқарадиган касаллик (ОИВ инфекцияси) тарқалишига қарши курашиш тўғрисида”ги Қонуни // Қонунчилик маълумотлари миллий базаси, 18.05.2022 й., 03/22/770/0424-сон;